

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 26 сентябрь • № 38 (1007)

### ЖОНКУЯР УСТОЗЛАР, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Ёш авлодни маънан етук, пар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш йғлида меънат ишлаётган ғиитувчи ва мураббийларни пар ианча ардоиласак, пар ианча рурмат иилсак оз. Эътироф этиш жоизки, бу улуғ зотларнинг машаиатли, аммо шарафли меънатлари Юртбошимиз томонидан иадрланиб келинаётганлиги бу албатта келажак авлодга бғлган эътибор ва Тамжғрликнинг ёрин ифодаси бғлиб, пар йили 1 октябрь мамлакатимизда ғиитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланади.

Дарёиият, инсон энг аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йғл очиб берган, унинг иалбига юксак инсоний фазилатлар риссини сингдиришда зармат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кғнғлида рамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Мактаб остонасига илк иадам иғганимизда иғлимизга иалам туттаиб, алифбони гратган биринчи устозимиз сиймосини, устозимизнинг фидокорона меънатини доимо чуғур энтикиш билан эслаймиз ва иалбимизда уларга нисбатан рурмат-этиром риссини туямиз. Зеро, оламнинг гултожиси инсон бғлса, улар орасида суюклиси устоз-муаллимдир...

Ўзбекистон тиббиётига рисса иғшиб келаетган сора мутахассислари орасида рам халимиз саломатлиги йғлида астойдил меънат ила оладиган фидойи тиббиёт ходимларини етиштиришда гэларининг муносиб риссаларини иғшиб келаетган устозлар билан пар ианча фахрлансак арзийди. Айнииса, тиббиёт олий гғув юртлари, коллеж ва лицейлар рамда республикадаги тиббиёт муассасаларида устоз-шогирд анъаналарининг давом этиб келаетганлиги тиббиёт фани янада равна и топишида музим омил бғлиб хизмат илмоида. Шундай экан, устоз ва мураббийларнинг машаиатли меънатларини иадрига этиб, улар берган таълим ва тарбияни жамиятимиз тараиёти ва эзу маисадлар йғлида сарф этиш пар биримизнинг асосий бурчимиздир.

Азиз устозлар, мғтабар мураббийлар! Барчангизни иутлуғ айём - ғиитувчи ва мураббийлар куни билан чин иалбимиздан самимий муборакбод этамиз. Фарзанд ва шогирдларингиз бахти ва камолини кғриш доимо сизларга насиб иилсин. Машаиатли ва шарафли касбингизда улкан ётулар, хонадонгизга доимий хотиржамлик ва сират-саломатлик тилаб иоламиз.



Зеро, шоир айтганидек:

Дедилар: дунёда асли ким азиз?  
Айтдилар: устоздир, устоз бегумон.  
Тагин айтдиларки: азиз шубрасиз  
Устоз қадрига етолган инсон!



Нега шеър ёзмайн, юракдан ёниб,  
Нега таъзим қилмай, Сизга бу маҳал.  
Нега хизматингиз қилмай қувониб,  
Эй азиз муаллим, устози аввал.

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,  
Сизки юракларда илк зиё ёққан.  
Олимми, шоирми ё санъаткорми,  
Илк бор сизга томон устоз деб боққан.

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2014 йил 11 сентябрь

№ 330

Тошкент шаҳри

#### 2015-2017 ўқув йилига катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4456-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

#### БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий-текшириш институти, ихтисослаштирилган марказлар, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий марказларда катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

2. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи ў. С. Исмаилов 2015 йил катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

3. Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий-текшириш институти, ихтисослаштирилган марказлар, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий марказларда катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

4. Катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

5. Катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

6. Катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

7. Катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

8. Катта илмий ходим-изланувчилар институти қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

Бош бошқармаларига топширилишини таъминласин;

катта илмий ходим-изланувчилар институтига 2015 йил қабули бўйича ўқув жараёнини 2015 йилнинг 1 январидан бошласин.

4. Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б. А. Хашимов олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий-текшириш институти, ихтисослаштирилган марказлар, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий марказлардаги катта илмий ходим-изланувчилар лавозимига қабул қилинганларни 2015-2017 йилларда ҳисоб-китоблар ва буюртмалар асосида белгиланган тартибда молиялаштиришни таъминласин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. А. Худаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. АЛИМОВ.

(Давоми 4-бетда).



## Орамиздаги инсонлар

## УСТОЗЛИКНИНГ ШАРАФИ ЎЗГАЧА

у юзлаб, минглаб шогирдлар келажагига масъул

Юртбошимиз раҳнамолиги ва ғамхўрлиги туфайли ўқитувчи-мураббийлар меҳнати қадрланмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонланиши ана шундан далолат беради. Республикаимизнинг барча тиббиёт йўналишидаги олий ҳамда ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларида ёшларга турли фанлардан дарс бериб келаётган устоз-мураббийлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Муқаддас ва шараф-

– Сиз кўп йиллардан буён Республика илмий ихтисослаштирилган аллергиялогия марказига раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Марказда халқимизнинг устоз-шогирдлик аънаналарини ривожлантириш масалаларига қандай ёндашилмоқда?

– Устозликнинг шарафи ўзгача. У юзлаб, минглаб шогирдлар келажагига масъул. Шунинг учун ҳам бундай инсонларни эъзозлаб, “Устоз отангдай улуғ” деймиз. Айниқса, “Устоз халқи устоз деган зотни ҳамини қадрлайди, азиз ва муқаррам деб билади. Айтайлик, дурадгор ўз ишини эплаб бажармаса, уни қайта тузатиш мумкин. Хунарманд бирорта буюмни ясаётиб бузиб қўйса, бошқатдан ясашга уринади. Лекин устоз ўз шогирдига касб сир-асрорларини масъулият билан ўргатмаса, катта хатоликка йўл қўйган бўлади. Нўноқ, малакасиз шогирд вақти келиб устозини ҳам уятга қолдиради. Таъбир жоиз бўлса, устоз-шогирдларни бир олманинг икки палласига қийслаш мумкин.

Биз Тошкент тиббиёт академиясига қарашли клиник аллергиялогия кафедраси ўқув базаси қошида даволаш, тиббий педагогика ва ҳарбий тиббиёт каби факультет талабаларига клиник аллергиялогиядан сабоқ бериб келмоқдамиз. Демак, ана шу факультетда таҳсил олаётган ҳар бир талаба билан профессор-ўқитувчилар ўртасида устоз-шогирдлик муносабатлари ўрнатилди. Ҳозирги талабалар, бундан 20-30 йил илгари таҳсил олган ёшлардан тубдан фарқ қиладилар.

Улар замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда дунёнинг барча нуқталарида бўлаётган янгиликлардан хабардор. Ҳозирги замон мутахассиси ёшидан қатъи назар, ўз соҳасига оид энг сўнгги кашфиётлардан бохабар бўлиши зарур. Мен ҳар куни илмга чанқоқ, маъруза ўқиганимда жон қулоғи билан тинглаган, саволларга кўмиб ташлаган талабаларнинг келажаги ёрқин бўлишига ишонаман. Чунки уларнинг билимлар олами сари интилиши, ҳаттоки ўз билим доирасидан қониқмаслиги менга шундай таассурот бағишлайди. Ҳозиржавоб, изланувчан, қузатувчан, тенгқурларидан икки-уч қадам олдинда юрвчи талабалар шогирдларим қаторига қўшилса, дейман. Тўғри, ёш тадқиқотчилар, магистрантлар, ўқитувчилар орасида мени устозлик даражасида ҳурмат қиладиганлари кўп, аммо шогирдларинг қанчалик кўп бўлса, бу фаолиятинг янада серқирралигидан далолат бериб туради. Ўтган давр мобайнида 12 нафар фан номзоди, 6 нафар фан докторининг тадқиқотида илмий раҳбарлик қилган бўлсам, айни вақтда эса икки нафар шогирдимнинг докторлик диссертациясига имкон қадар кўмаклашганман.

– Аллергология тиббиётда янги йўналиш эмас, азал-азалдан аллергия характердаги касалликларни даволаш учун уринишлар бўлган. Бугунги кунда аллергия хасталикларни ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари қўлланилмоқда. Марказингизга муносабат қилаётган беморларга яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталсангиз?

– Аллергия касалликларнинг кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги нафақат мутахассис шифокорларни, балки оддий фуқароларни ҳам ўйлантириб қўймоқда. Аҳолининг 20 фоизи ўртасида турли аллергия касалликлар борлиги ташвишланарли ҳол. Марказимиз

хасталикнинг ана шу турини даволашга ихтисослаштирилган бўлиб, аҳоли ўртасида анча кенг тарқалган хасталикларни аниқлаш ва даволашнинг усуллари устида изланишлар олиб борилмоқда. Беморларга мутахассисларнинг намунали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишини таъминлаш, аллергиялогия хизмат мавқеини ошириш, аллергиялогия бўлимлар ва хоналар очиш, уларнинг бошқа бўлимлар билан алоқасини мустақамлаш, шифокорларнинг клиник тажрибасини кенгай-

қиятли адо этилмоқда, дейишимизга асос бор. Марказимиз хасталик турини аниқлаш, таҳлил қилиш, ташхис қўйиш ва даволашда асосий ўринга эга бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

– Сиз аллергиялогия соҳасини мукамал эгаллаган салоҳиятли мутахассислардан бирисиз. Бу соҳани чуқур ўрганишда устозлик қилган профессор-ўқитувчилар ҳақида нима дея оласиз?

## Устозга эҳтиром

Устознинг шогирд ҳақидаги фикр-мулоҳазаси қанчалик муҳим бўлса, шогирднинг устоз хусусидаги фикри ундан ҳам аҳамиятлироқдир. Аллергология марказида Озод Назаровнинг ҳаётини ҳамда илмий кўрсатмаларини ўрганиб ва ўзлаштириб, ўз келажаги учун пойдевор қўяётган ёш мутахассислар у киши ҳақида тўлқинлиб сўзлайдилар.

## Фазилат БАХРИТДИНОВА,

Тошкент тиббиёт академияси кўз касалликлари кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори:

– Ҳаёт тақозоси билан ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб мен Озод аканинг инсоний хислатларга эга киши эканлигига гувоҳ бўлиб келмоқдаман. Ўша йилларда аспирант эдим, Ю. Ф. Майчук раҳбарлигида аллергия кўз касалликларини даволаш мавзуси бўйича тадқиқот бошлаганман. Ишни ўрганиш осон эмас, илмий раҳбаримнинг тавсиясига кўра аллергиялогия марказига бордим ва бу ерда Озод академик бағрикенг инсонга дуч келдим. У киши менинг тадқиқотим бўйича ҳали ҳеч ким иш олиб бормаганини, бу нафақат илмий, балки ҳаётини аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, изланишга ундади. Ўша пайтларда Ўзбекистонда аллергия кўз касалликлари анча тарқалган бўлиб, уни даволашнинг янги технологияларини яратиш зарурати мавжуд эди. Озод ака менинг илмий изланишим йўналишларини тўғри танлаш, мақсад ва вазифаларни ойдинлаштиришга катта ёрдам бердилар. Мен номзодлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим, йиллар мобайнида бу мавзунини чуқур ўрганишимда Озод аканинг таъсири ва ҳиссаси катта бўлди.

## Шаҳноза МАВЛОНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дерматология ва венерология марказининг дерматология бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори:

– Илм йўли бир-бирига мутлақо нотаниш бўлган инсонларни яқинлаштирар экан. 1999 йилда докторлик ишини бошлаганман. Тўғри, аллергия касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари, ташхис қўйиш ва даволаш методикаси бўйича билим даражам етарли, аммо докторлик мавзусини ҳар жиҳатдан ўрганишда ёши улуғ олимларнинг маслаҳати ва йўл-йўриқларига эҳтиёж сезганман. Мени бу борада Озод Назаров ҳамини қўллаб-қувватлади, илмий-назарий кўрсатмаларини бериб турди. Машаққатли кунлар ортда қолди, ҳозирги вақтда тери-таносил касалликларини даволаш бўйича ўзим ҳам шогирдлар тайёрламоқдаман. Озод акадаги олимга хос юксак ақл-заковатни, синчковлиқни, етти ўлчаб бир кесишни ўзлаштирганим учун шогирдларим билан муносабатда худди улардек йўл тутиб келаяпман. Ҳаёт шундай, кимдандир ўрганганинг сен ҳам қўллайсан. Ҳа, ҳаётда ўргатувчи ва ўрганувчи бўлишнинг ҳикмати кўп. Мен устоз деган олий мақомга сазовор бўлган Озод акадан бир умр миннатдорман.

тириш долзарб характерга эгадир. Бунга 20 йил аввалги даврда илк қадам ташланганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Марказимизда “Аллергия ва астма” мактаби ташкил этилган эди. Бу ҳақда эшитган республикаимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи кишилар даволашига кела бошлашди. Мактаб машгулотларига беморларни жалб қилиш ижобий натижа берса керак, деган мулоҳаза билан уларни тиббий сабоқларга таклиф қилдик. Улар жон деб рози бўлишди. Машгулотларда касалликнинг келиб чиқиши, турлари, хасталик хуруж қилганда парҳезга қандай риоя қилиш бўйича маълумотга эга бўлдилар. Касалликнинг келиб чиқиш сабабидан хабардор бўлган киши ўша омиларни такрорламастикка ҳаракат қиладди, яқин кишиларига кўрсатма беради. Бинобарин, “Аллергия ва астма” мактабининг мақсади – бемор хасталиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш, астма ва аллергия касаллигига йўлиққан кишиларга ўзини парвариш қилишни ўргатиш, даволаш жараёни бўйича кўрсатма бериш ва тез ёрдамга муҳтожлик ҳолатини вақтда ўзлаштириб олишни ўқитишдан иборат эканлигини назарда тутадиган бўлсак, айнан шу вазифалар муваффа-

– Ҳеч бир мутахассис ўзидан ўзи етук ва малакали бўлиб қолмайди. Бунга қадар босиб ўтиладиган йўллар, машаққат билан юриладиган сўқмоқлар бор. Ана шу йўл ва сўқмоқларда ҳар бир инсонни рағбатлантирадиган, қўллаб-қувватлайдиган, хато-камчиликларини кўрсатиб, муваффақиятлари билан қутлайдиган инсон – устоз деган улуғ зот кўндаланг туради. Айниқса, тиббиёт соҳасининг бирорта йўналишини чуқур ўрганиш, касаллик турини тадқиқ этиш, дунёнинг ўзга мамлакатларида қўлланилаётган тажрибалар билан танишиш учун ёш мутахассисга устознинг кўрсатмаси, тавсияси сув ва ҳаводек зарур. Тошкент тиббиёт академиясида ўқиб юрган кезларим, бизга бири қаттиққўл, бири ўта билимдон ва зукко, бошқаси кенгфел ва юм-

Асрий аъна – устоз-шогирдлик муносабатларини ўз илмий фаолиятида мужассамлантириб келаётган етук олимлардан бири, Ўзбекистон аллергиялогия мактаби асосчиси Озод Назаров ҳақида ҳўп ва кўп гапириб мумкин. Аммо олим ҳақидаги қисқа ва лўнда фикр яхши. Зеро, минглаб инсонлар қалбига етук олим, меҳрибон устоз, қўли енгил шифокор сифатида кириб борган инсоннинг фаолиятини мўъжазгина мақолага сигдириш мушкул. Қолаверса, ўзи ҳақида илиқ таассурот қолдириш устоз деган зот учун ҳамма нарсадан устун туради.

Сухбатдош  
Ибодат СОАТОВА.



шоқтабиат профессор-ўқитувчилар сабоқ беришар, уларнинг бирини аъло кўриб, иккинчисини пастга уриб бўлмасди. Айниқса, устозларимдан академик К. Зуфаров, Ў. Орипов, профессор Р. Худойбердиев ва бошқа ўнлаб илмий салоҳияти юқори бўлган профессор-ўқитувчиларнинг сиймоси ҳамон кўз ўнгимда турибди. Уларнинг илмий маърузалари туфайли биз талабаларнинг билим доирамиз кенгайиб, илм-фан билан шуғулланишга мойиллик пайдо бўлган бўлган илмий фаолиятим даврида жаҳонга машҳур олим, академик А. Г. Чучалининг илмий-назарий характердаги маърузалари, тавсия қилган манбалари, илмий-оммабоп руҳдаги китобларини ўқиб-ўрганишим, мазмун-моҳиятини англаб етишим туфайли бўлса керак, аллергиялогия соҳасини чуқур биладиган мутахассислардан бири бўлиб етишдим. Бой илмий-назарий тажриба тўплаб, инсонийлик сифатини эгаллаган бўлсам, барчаси устозларим туфайли. Худди улар сингари ўзимда ҳам шогирд тайёрлаш жараёни бошланиб кетди.

– Мамлакатимизда аллергия касалликларни аниқлаш, диагностика қилиш, даволаш бўйича қандай лойиҳалар амалга оширилиши керак?

– Аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, оналик ва болаликни кенг муҳофаза қилиш, кишиларнинг умр кўриш даражасини узайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби йўналишлар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг мазмун-мундарижасини белгиламоқда. Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан бошланган ишхотлар самарани бераётди. Аҳоли ўртасида аллергия касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш бўйича олиб борилаётган изланишлар оз эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан қабул қилинган “Болалар ва катталарда бронхиал астма ва унинг эҳтиёт чорасини кўриш миллий дастури”нинг ижрога йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказимиз мутахассислари барча даволаш муассасаларига бу йўналишда илмий-амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда мутахассисларимиз томонидан хорижий экспертлар иштирокида 6 марта фаолият илмий амалий конференция ўтказилди. Кўпчиликнинг таклифига кўра, конференциялардан бирида миллий дастур қабул қилинди. Айни вақтда республикаимиз бўйича 7 та “Аллергия ва астма” мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу йўналишдаги мактаблар фаолиятини барча вилоятларда йўлга қўйиш керак.

## Дилдан суҳбат

## «БИР УМР ТАЪЗИМДАМИЗ»

## дейди тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар

**Киши қайси касбда ишлашдан қатъи назар, унинг ҳаётини ўқитувчиларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ақлини таниган боланинг мактаб остонасига қадам қўйиши, оқ-қорани била бошлаши, борлиқ ва атроф-олам ҳақидаги билим асосларини эгаллаши бевосита ва билвосита ўқитувчи меҳнати билан юзага чиқади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ва мураббийларга ҳар бир инсон бир умр таъзим қилади, улар шаънига илиқ ва самимий тилаклар айтади. Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарига таъкидлайдики: "Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз".**

Дарҳақиқат, ўқитувчилик, устозлик халқимиз қадим-қадимдан ардоқлайдиган, шарафлайдиган касб. Юртимизда бу касб эгаларининг меҳнатидан баҳраманд бўлмаган, уларнинг сабоғи туфайли жамиятдан ўз ўрнини топмаган кишининг ўзи йўқ. Тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар, умумий амалиёт шифокорлари, тор доирадаги мутахассислар, изланувчи-тадқиқотчилар, кичик мутахассислар аввало, бошланғич, сўнгра умумий ўрта таълим босқичини, кейинги ўринда ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасасини тамомлаб, бу жараёнда устоз-мураббийлар сабоғини тинглайди ва ўз келажаги учун тамал тошини қўяди.

**Баҳром МУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Мудофаа вазирлиги**  
**қарашли марказий ҳарбий**  
**клиник госпитали операция**  
**бўлими бошлиғи, тиббиёт**  
**фанлари номзоди:**

– Болалик дамлари Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида ўтган. Қишлоғимиздаги 4-умумтаълим мактабида таҳсил олдим. Дадам раҳматли Ҳадиябой Муродов ўша мактабда кимё-биология фанидан дарс бергани учун ўз фарзандларини руҳан ва маънавий жиҳатдан таълимга тайёрлар, бу эса дарсларни нисбатан осон ўзлаштиришимизни таъминлар эди. 35 нафар 1-синфга қабул қилинган болага Мамлакатхон Халилова дарс берар, худди қалдирғоч ўз полапонларини асраб-авайлаб парвариш қилганидек, бу муаллима жажжи болажонларни суйиб-эркалар, партада тўғри ўтиришни, ручка, қаламни тўғри ушлашни, салом бериш, хайрлашишни, хуллас, ҳамма-ҳаммасини ўргатарди.

Бошланғич синф таълимининг кейинги босқичи учун пойдевор вазифасини ўтайди, деганларидек, синфдошларимизнинг барчаси бешинчи синфда ўқишни давом эттира бошладик. Бизга дарс берган муаллимларимизни худди ота-онамиздек яхши кўрардик. Менга айниқса, кимё-биология фанидан берс берадиган Маъмуржон Комилов, она тили ва адабиёти муаллимаси раҳматли Санобар Муродова, Ўғилой Нишонбоева, Абдулазиз Рашидов сингари ўқитувчиларнинг дарслари қизиқарли туюлар, бирортасидан "4" баҳо олмасликка ҳаракат қилардим. Кимёгар ўқитувчимиз Маъмуржон

ака ана шу фанга қизиқиши кучли бўлган ўқувчиларни дарсдан сўнг олиб қолиб, қўшимча машғулот уюштиради. Кимё табиатда учрайдиган турли моддалар, уларнинг таркиби, бири-бири билан реакцияга киришувчи ҳақидаги мураккаб фан бўлгани учун баъзан мавзуларни чуқур тушуниб етмасдим. Уйга келиб, дадамдан сўрайдиган бўлсам, у киши: "Мен уқтиргунча ўзинг ўқиб-ўрганганинг афзал" дея қўлимга қандайдир қўшимча китобларни тутқазарди. Ўшанда дадамдан хафа бўлсамда, кейинчалик у киши тўғри қилган экан, деган хулосага келганман. Чунки тушунмаган мавзунини кимнингдир уқтиришидан кўра, ўша мазаланинг мазмун-моҳияти ас эштирилган мунбаини ўқиб-ўрганиш яхши экан. Оиламизда 10 нафар фарзанд бўлиб, мен олтинчиси эдим. Дадам ҳар бир фарзандига шундай муносабатда бўлар, ҳеч биримизни ортиқча эркалатиб ёки талтайтирмасди.

1977 йилда 4-умумтаълим мактабини тамомлаб, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ҳужжат топширдим, омадим келмади. Кейинги йили эса ана шу институт талабаси бўлдим. Нафақат мактаб йилларим, балки институт таълимининг эгаллашимда ҳам устоз-мураббийларнинг таъсири, кўмаги ва қўллаб-қувватлаши туфайли малакали шифокор бўлиб етишдим, деб фахр билан айтишим мумкин. Биология фанлари доктори, профессор Атаулло Оқиловнинг сабоқлари биз талабаларга жуда катта маънавий озуқа бўлган. Аудиторияда 200-300 нафар талаба маъруза тинглар, пашша учса эшитилгудек ҳолат ҳукм сурарди. Домла Атаулло Оқилов ҳар бир талаба билан илиқ муносабатда бўлар, шифокор бўлиш мумкин, лекин кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўладиган шифокор бўлиш учун эса билим ва малака керак, деган гапни кўп уқтирарди. Институт ректори Амин Сулаймонов, педиатрия факультети декан ўринбосари, "Болалар хирургияси" кафедраси доценти Илҳом Исканжанов каби профессор-ўқитувчилар сабоғи нафақат таълимий, балки маънавий характерга эгаллиги билан ҳам биз собиқ талабалар хотирасида қолган. Мана, институтни тамомлаганимизга ҳам 31 йил бўлибди. Йиллар бир-бирини елдек қувиб ўтди, турли даволаш муассасаларида халқимиз саломатлигини сақлашдек эзгу ва олижаноб ишга ҳисса қўшиб келмоқдаман. Кўз

ўнгимдан устоз-мураббийларимнинг қиёфаси тез-тез ўтиб туради ва шунда улар ҳаётимга чексиз мазмун бағишлаганини хис қиламан.

**Исмат УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
**Самарқанд вилояти Оқдарё**  
**туман тиббиёт бирлашмаси**  
**реанимация бўлими**  
**бошлиғи:**

– Инсоннинг болалигида эгаллаган билимини тошга ўйилган нақшга қиёслашлари тўғри. Шифокорлик касбида ишлаб келар эканман, ўқувчилик йиллари олган мактаб таълими, кейинчалик олий таълим даргоҳида турли профессор-ўқитувчилар сабоғини эгаллаганим ҳаётимда катта роль эгаллаганини хис қиламан.

Ўқитувчилик, устоз-мураббийлар ҳақида сўз кетадиган бўлса, аввало, ўз оилавий муҳитимизга бош-қош бўлган, фарзандлари илмли-маърифатли бўлиши учун елиб-югурган отам, кимё-биология фани ўқитувчиси Саъдулла Исматуллаевни фахр-ифтихор билан тилга оламан. У киши Янгиқўрғон жамоа ҳўжалиги худудида жойлашган 2-умумтаълим мактабининг обрў-эътиборли ўқитувчиси ҳисобланар, оилавий муҳитда эса биз фарзандларига турли кимёвий моддаларнинг хусусияти ҳақида эринмасдан тушунтирадиган меҳрибон ва ғамхўр ота эди. Отамнинг берган сабоқлари туфайли, менда кимё-биология фанига қизиқиш пайдо бўлди. Эсимда, биринчи синфга қабул қилинганман, орадан қанчадир вақт ўтиб, вирусли гепатитга чалиниб қолдим. Шифокорлар даволашди. Шунда оқ халатли, бемор бола олдида парвона бўлаётган меҳрибон шифокор ва ҳамшираларнинг ишига ҳавас пайдо бўлиб, келажакда доктор бўлишни кўнглимга тугдим. Оилавий муҳит билан тақдир орасидаги ўзаро мос тушиш туфайли мен умумтаълим мактабининг илк босқичларидаёқ тиббиётга боғландим. Кейинчалик ўзимни яхши парвариш қилмаганим туфайли бўлса керак, сариқ касаллиги иккинчи марта хуруж қилди. Бу сафаргида аввалги ниятларим янада қатъийлашди. Отам врач бўлиш учун кимё-биологияни "сув" қилиб ичишинг керак, дея кўп уқтирарди. Кимё фани ўқитувчиси Арслон Мардиев, биология фани муаллимаси Дилшоода Қосимоваларнинг дарсларини жон қулоғим билан тинглар, ҳар иккала фаннинг ҳар бир мавзусини чуқур ўзлаштиришга, таг-томиригача тушунишга ҳаракат қилар, англамаган жойимни эса уйда отамдан сўраб олардим.

Шундай қилиб, 2-умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан битириб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ҳужжат топширдим. Биринчи йили талабалик бахтига эриша олмадим. Кейинги йили институт талабаси бўлгач, бутун фикру зикримни тиббиёт фани асосларини эгаллашга қаратдим. Мана, мактабини тамомлаганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. 2015 йилда ўқувчилик давлари билан хайрлашганимга 30 йил тўлар экан. Охириги марта 2010 йилда мактабимга

бориб, ўқитувчиларим, синфдошларим билан учрашдик. 25 йил ичида устоз-ўқитувчиларимизнинг аксарияти пенсияга чиққан, айримлари вафот этган, биз собиқ ўқувчилар ҳам улғайиб, турли соҳаларда меҳнат қилиб келадиган ва турмуш ташвишларига кўмилган ота-оналарга айланганмиз. Мактаб тамоман ўзгарган, жиҳозлар янги, таълим жараёнида ўзгаришлар кўп. Бир хил оҳорли либосда ўқиб юрган ўғил-қизларни кўриб, уларга ҳавас қиласан, киши. Қани имкони бўлсаки, қайтадан ўқувчи бўлиб қолсак. Аммо бундай имкониятга фарзандларимиз, уларнинг кетидан эса невараларимиз эришаётгани учун минг қарра шукрона келтираман. Давлат мукёсида ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор, устоз-мураббийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кишига худди шундай ҳиссиётни бахш этади. Ҳар йили мамлакатимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланар экан, барча юртдошларимиз ўз умрига мазмун бахш этган устоз-мураббийларини ҳурмат-эътиром билан тилга олишади, қўллов ва табрик йўллашади. Имкониятдан фойдаланиб, Оқдарё туманидаги 2-умумтаълим мактаби педагогик жамоасига ўзимнинг илиқ ва самимий тилакларимни йўллаб қоламан.

**Гули ТУРСУНОВА,**  
**Тошкент шаҳридаги**  
**31-оилавий поликлиника**  
**умумий амалиёт шифокори:**

– Сергели туманидаги 8-умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчисиман. Синфимизда 42 нафар туғилган даври бир-бирига яқин ўғил-қизлар бор эди. Табиийки, 1-синфга қабул қилинган боланинг ҳаёт, борлиқ-олам ҳақидаги тасаввурини ҳали шаклланмаган, саводи йўқ, қаттоқи партада ўтиришни, ручка ушлашни билмади. Биринчи ўқитувчининг кўмаги ва ғамхўрлиги билангина ҳар бир бола секин-аста "пишиб", кўзи очилиб боради.

Бизга 1-синфдан бошлаб то мактабини тамомлаганимизга қадар синф раҳбари бўлган, ҳар бир ўқувчисини севиб-эркалайдиган муаллима София Абдураҳмоновага бир умр таъзим қиламан. София опа физикадан дарс берса-да, бизга бошланғич

синфдан бошлаб бириктирилган ўқитувчи эди. Ўн йил мобайнида биз опа билан она-боладай бўлиб кетганмиз. София опа қизлар тарбиясининг ўзига хис жиҳатлари бўйича ҳам бизга ўз кўрсатмаларини берганини яхши эслайман. Синфимизда унинг Миразим исми ўғли ҳам ўқир, аммо она унга мактабда ўз фарзандидек эмас, балки ўқувчисидек муносабатда бўларди.

София Абдураҳмонованинг ана бир ажойиб фазилати – биз ўқувчиларни музейга, кинога, истироҳат боғи ёки бирор тадбирга олиб борадиган бўлса, ҳар биримизни ўз уйимизга, ота-онамиз қўлига эсон-омон топшириб, кўнгли хотиржам бўлгачгина уйига кетарди. Муаллиманимизни кўчакўйда кўриб қолсак, худди онамиз билан дийдорлашгандек хурсанд бўлиб, унинг бағрига отилардик. Ҳозир уларнинг ёшлари етмишга яқинлашиб қолди. Ота-онамнинг уйига борадиган бўлсам, баъзан йўл-йўлакай биринчи ўқитувчим билан учрашиб қоламан ва ўқувчилик давлариимизни эсга оламан.

1990 йилда мазкур мактабини тамомлагач, ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетига ўқишга кириб, шифокорлик касбини мукаммал эгалладим. Академияда кўплаб профессор-ўқитувчилар сабоғини тингланганман ва ҳамиша шуни хис қиламанки, инсон қайси соҳани эгалламасин, ҳар бирида устоз-мураббийлар меҳнати билангина етук мутахассисга айланади. Мактаб остонасига илк бор ҳатлаб кириб келган бола саводхон ўқувчи бўлади, қачонки, ўқитувчи унга фидойичлик билан билим берса. Институтга қабул қилинган талаба малакали мутахассис бўлади, қачонки, профессор-ўқитувчилардан кўпроқ билим олишга интилса. Демак, ўқитувчи-мураббийларсиз ҳаётимизни, жамиятимизни тасаввур қила олмаимиз. Улар бор экан, олам чароғон, улар фаолият кўрсатар экан, минглаб ўқувчилар мустақил ҳаётга тайёрланади. Ҳамиша соғ ва омон бўлинг, азиз ва муҳтарам устозлар.

**Шоир айтганидек:**

**Маърифат бўстони эшигин очган,**  
**Қалбларга яхшилик уругин сочган.**  
**Гафлату лоқайдлик йўлидан қочган,**  
**Меҳрибон устозлар, омон бўлингиз.**

**Аждодлар номини бизга ёдлатган,**  
**Хуррият мадҳини дилга жо этган.**  
**Инсоний туйғуни қалбда ёритган,**  
**Меҳрибон устозлар, омон бўлингиз.**

**Сиз борсиз илму фан бўстони обод,**  
**Сиз борсиз гуллагай, яшнагай ҳаёт.**  
**Сиз-ла буюк юртни этгаймиз бунёд,**  
**Меҳрибон устозлар, омон бўлингиз.**

Ўз ўқувчилик давларини устоз-мураббийлар байрами муносабати билан ёдга олган суҳбатдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини уларнинг бошқа-бошқа манзилларда истиқомат қилувчи ва фаолият кўрсатувчи минглаб ҳамкасблари такрорлаши мумкин. Ҳар бир хотирада ўқитувчи ҳурмат-эътиром туйғуси уфуриб туради. Зеро, устоз-мураббий, муаллим деган улуг зот бунга муносибдир.  
**Хулқар КУЗМЕТОВА**  
**суҳбатлашди.**

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2014 йил 11 сентябрь

№ 330

Тошкент шаҳри

## 2015-2017 ўқув йилуига катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирининг 2014 йил  
11 сентябрдаги 330-сонли  
буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2014 йил 11 сентябрдаги 330-сонли буйруғига 2-илова

2015 йилда катта илмий ходим-изланувчилар институтига давлат  
бюджети маблағлари ҳисобига биринчи босқичда қабул режаси  
(квота)нинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда  
ихтисосликлар бўйича тақсимоти

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича 2015  
йилда катта илмий ходим-изланувчилар институтига давлат бюджети  
мблағлари ҳисобига биринчи босқичда таълим олувчи катта илмий  
ходим-изланувчилар (КИХИ)нинг сони (квота) бўйича таклифи

№	ОТМ ёки ИТМ номи	Ихтисослик шифри ва номи	КИХИлар сони	Жами
<b>Олий ўқув юрталари</b>				
1.	ТТА	14.00.02 морфология	1	2
		14.00.24 суд тиббиёти	1	
2.	ТошПТИ	14.00.05 ички касалликлар	1	5
		14.00.09 педиатрия	2	
		14.00.17-фармакология ва клиник фармакология	1	
		14.00.24 суд тиббиёти	1	
3.	ТошФарМИ	15.00.01 дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	1	2
		15.00.02 фармацевтик кимё ва фармакогнозия	1	
4.	ТошВМОИ	14.00.07 гигиена	1	4
		14.00.12 тиббий реабилитология	1	
		14.00.29 гематология ва трансфузиология	1	
		14.00.31 урология	1	
5.	Андижон Давлат тиббиёт институти	03.00.04	1	11
		микробиология ва вирусология	1	
		14.00.02 морфология	1	
		14.00.05 ички касалликлар	1	
		14.00.09 педиатрия	1	
		14.00.15 патологик анатомия	1	
		14.00.21 стоматология	3	
		14.00.27 хирургия	1	
		14.00.28 нейрохирургия	1	
		14.00.29 гематология ва трансфузиология	1	
6.	СамДТИ	14.00.01 акушерлик ва гинекология	1	4
		14.00.05 ички касалликлар	1	
		14.00.21 стоматология	1	
		14.00.27 хирургия	1	
<b>Илмий-текшириш институтлари</b>				
1.	ЭМваЮК ИТИ	14.00.10 юқумли касалликлар	1	2
		14.00.30 эпидемиология	1	
2.	СГваКК ИТИ	03.00.04	1	5
		микробиология ва вирусология	1	
		14.00.07 гигиена	4	
<b>Ихтисослашган илмий марказлар</b>				
1.	Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ИАТМ	14.00.01 акушерлик ва гинекология	2	2
2.	Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази	14.00.34 юрак ва қон-томир хирургияси	1	2
		14.00.27 хирургия	1	
3.	РШТЭИМ	14.00.27 хирургия	3	7
		14.00.22 травматология ва ортопедия	1	
		14.00.28 нейрохирургия	1	
		14.00.06 кардиология	2	
4.	Нейрохирургия илмий маркази	14.00.28	1	1
		нейрохирургия	1	
5.	Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий амалий тиббиёт маркази	14.00.11 дерматология ва венерология	1	1
6.	Республика онкология илмий маркази	14.00.14 онкология	2	2
<b>Жами</b>			<b>50</b>	<b>50</b>

Т/р	ОТМ ёки ИТМ номи	Ихтисослик шифри	Ихтисослик номи	2015 йил учун экспертиза натижасида ажратилган квота
<b>03.00.00 – Биология фанлари</b>				
1	Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти	03.00.04	Микробиология ва вирусология	1
2	Андижон Давлат тиббиёт институти	03.00.04	Микробиология ва вирусология	1
<b>Жами</b>				
<b>14.00.00 – Тиббиёт фанлари</b>				
1	Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.01	Акушерлик ва гинекология	2
2	Самарқанд Давлат тиббиёт институти	14.00.01	Акушерлик ва гинекология	1
3	Тошкент тиббиёт академияси	14.00.02	Морфология	1
4	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.02	Морфология	1
5	Самарқанд Давлат тиббиёт институти	14.00.05	Ички касалликлар	1
6	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.05	Ички касалликлар	1
7	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	14.00.05	Ички касалликлар	1
8	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	14.00.06	Кардиология	2
9	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	14.00.07	Гигиена	1
10	Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти	14.00.07	Гигиена	4
11	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	14.00.09	Педиатрия	2
12	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.09	Педиатрия	1
13	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти	14.00.10	Юқумли касалликлар	1
14	Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.11	Дерматология ва венерология	1
15	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	14.00.12	Тиббий реабилитология	1
16	Республика онкология илмий маркази	14.00.14	Онкология	2
17	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.15	Патологик анатомия	1
18	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	14.00.17	Фармакология ва клиник фармакология	1
19	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.21	Стоматология	3
20	Самарқанд Давлат тиббиёт институти	14.00.21	Стоматология	1
21	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	14.00.22	Травматология ва ортопедия	1
22	Тошкент тиббиёт академияси	14.00.24	Суд тиббиёти	1
23	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	14.00.24	Суд тиббиёти	1
24	Самарқанд Давлат тиббиёт институти	14.00.27	Хирургия	1
25	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	14.00.27	Хирургия	3
26	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.27	Хирургия	1
27	Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази	14.00.27	Хирургия	1
28	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.28	Нейрохирургия	1
29	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	14.00.28	Нейрохирургия	1
30	Республика нейрохирургия илмий маркази	14.00.28	Нейрохирургия	1
31	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	14.00.29	Гематология ва трансфузиология	1
32	Андижон Давлат тиббиёт институти	14.00.29	Гематология ва трансфузиология	1
33	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти	14.00.30	Эпидемиология	1
34	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	14.00.31	Урология	1
35	Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази	14.00.34	Юрак ва қон-томир хирургияси	1
<b>Жами</b>				
<b>15.00.00 – Фармацевтика фанлари</b>				
1	Тошкент фармацевтика институти	15.00.01	Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	1
2	Тошкент фармацевтика институти	15.00.02	Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	1
<b>Жами</b>				
<b>Жами</b>				
<b>Жами</b>			<b>50</b>	<b>50</b>



## Депутат минбари

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ  
ВА САЙЛОВЛАР ЖАРАЁНИ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш соҳасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳаммаси табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун соф табиий муҳитни сақлаб қолишга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси амалга оширилаётган ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги таъминлаб берилаётган даврда экологик хавфсизлик, мусаффо атроф-муҳит, соғлом генофонд масалалари мамлакатимизнинг ҳозирги ва келажигини ўйлаётган фуқароларни бефарқ қолдирмаслигини билдиради.**

Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида нафақат жамоат ташкилоти сифатида, балки етакчи сиёсий куч тариқасида танилишга улгурган экологик ёки “яшиллар” ҳаракатлари мавжуд. Афсуски, ҳозирда улар фаолиятида айрим нуқсонлар кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан, уларнинг фаолияти ўта сиёсийлаштирилганлигини ҳам алоҳида айтиш лозим. Чунки, бу ташкилотлар ўз олдига сиёсий мақсадларни, вакиллик органларига ўринлар эгаллаш вазифаларини қўйиб, парламентда ўрин олган, саъй-ҳаракатларини аввало сиёсий курашларга йўналтириб, экология масаласидаги мақсад ва вазифалар билан амалда шуғулланмай қўймоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг бош мақсади Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига жиддий хавф солаётган яширин куч – экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш ҳамда яна бир қанча муҳим масалаларни амалга оширишдан иборатдир. Қолаверса, жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суъратда ҳал этиш зарурати қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойлиқларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чاقиради.

Атроф-муҳит масалаларига доир ҳозиргача қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш бўйича изчил иш олиб бориш катта аҳамиятга эга. Айниқса, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга эътиборни кучайтириш муҳимдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги вакиллик Ўзбекистон экологик ҳаракатига табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг марказда ва жойларда олиб бериш ижро этилишига беvosита, самарали таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

Шу билан бирга, Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик

ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонунларнинг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда.

Экоҳаракатнинг ўз олдига қўйган мазкур вазифаларини самарали ҳал этиши кўп жиҳатдан Экоҳаракат иштирокчиларининг фаолигига, улар фаолиятининг жамоат бирлашмалари ва қолаверса, давлат тизими томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Шу маънода, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган **“Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун мамлакатимизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида янада ривожланишини таъминлаш борасида улкан аҳамиятга эга бўлган айнан шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланди.

Ун бешта депутатлик ўрни ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган жамоат ташкилоти – Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий ташкилот ҳам, сиёсий партия ҳам эмас. Унинг фаолияти сиёсий қарашларидан қатъи назар, аҳолининг деярли барча қатламлари манфатларига дахлдор бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам жаҳон парламентаризми тарихида илк бор пар-

ламентда Ўзбекистон экологик ҳаракати учун депутатлар ўринларини махсус квоталаш институти жорий этилди. Мазкур янгилик нафақат бутун жамият ва давлат, балки ҳар биримиз учун фавқуллодда муҳим бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни бартараф этишда парламентнинг ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қонунга мувофиқ **Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги қонунига алоҳида **71-боб** киритилиб, унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби; Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар; Экоҳаракат томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига депутатларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати; Экоҳаракатдан депутатларнинг такрорий сайловини ўтказиш тартиби ва сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, Экоҳаракатдан сайланган депутатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ бошқа масалалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар Экоҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сайловни ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилаш, Экоҳаракатдан сайланган депутатларни рўйхатга олиш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ҳамда ошқора амалга оширилади.

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги Қонуннинг **48-моддаси**да Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати мақомига эга бўлди. Экоҳаракатдан сайланган депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳини тузиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ўтган давр мобайнида атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлом муҳит яратиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб борди. Бу ўринда мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган маърузасидаги: **“Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилди, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритди”**, деган фикрлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар депутатлик гуруҳи фаолияти ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда қонун ижодкорлиги соҳасида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Бу борада Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари парламентдаги сиёсий партия фракциялари, қўмиталари томонидан ташкил этилган қонун ижодкорлиги, парламент эшитувларида, назорат таҳлилларида, давра суҳбатларида, семинарларида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ҳамда экология ва атроф, муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида муйаян ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

**“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”**нинг IV, яъни **“Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш”** йўналишида белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги 3561-сонли Фармойишига мувофиқ тасдиқланган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”**ни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир қатор депутатлари томонидан ишлаб чиқилган **“Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **“Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошқоралик”** номли **6-моддаси** еттинчи қисмига кўра, кузатувчиларга **“Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида иштирок этиш”** ҳуқуқи берилди.

Кузатувчиларга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси де-

путатлигига сайлов бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилиши Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар сайловининг ошқоралиги ва очик-ойдинлигини таъминлаш имкониятини яратади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён қилинган асосли ғоялар ва қоидаларни ўзида мужассам этди.

Конституциянинг “Сайлов тизими” деб номланган XXIII боби 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиб, унинг фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатликдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунда эса **“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантиришга, унинг фаолияти асосий принципларини белгилашга, унинг мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **“Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари”** номли **5-моддаси** “Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади” деб тўлдирилганлиги Экоҳаракатдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар яширин овоз бериш йўли билан сайлашни учун ушбу ҳаракатнинг република конференцияси ўтказилиши мустаҳкамланди.

**Абдурахим ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,**  
**Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси.**

## Этика и деонтология

## ЗАБЛУЖДЕНИЕ, А НЕ ОШИБКА

**Проблема врачебных ошибок на этапах реформирования здравоохранения Республики Узбекистан является важным предметом изучения в среде врачей. С переходом от бесплатной медицины в единую систему здравоохранения, которая состоит из государственной, частной и других систем, учреждения здравоохранения уже не могут просто, без каких-либо объяснений, оправдать неудачные профессиональные действия врачей.**

Здравоохранение и медицина являются наиболее сложными формами деятельности общества и членов его, требующие от специалистов глубоких специальных знаний, практических навыков, высоких душевных качеств. Говорить об ошибках в медицине – особенно сложная задача. На протяжении многих веков к представителям медицинской профессии предъявлялись требования о недопущении ошибок. Однако врачи ошибаются потому, что имеют дело с архисложным человеческим организмом, ежедневно сталкиваются с нетиповыми задачами, нетипичными патологическими процессами, да и медицинская наука постоянно совершенствуется.

Понятие «врачебные ошибки» и меры ответственности за них в ходе истории человечества менялись. В Римском праве широко применялось понятие «ошибки», в т.ч. и в отношении к врачебной деятельности (закон Аквилы). К ошибкам относили и неопытность, и неосторожность, и неоказание помощи.

Термин «врачебная ошибка» используется только в медицинской практике, не относится к юридическим понятиям. Уголовный кодекс Республики Узбекистан не содержит термина «врачебная ошибка». Но в отдельных случаях неправильные профессиональные действия, даже если в них нет никакого умысла, тоже могут квалифицироваться как преступные. Например, за причинение смерти или тяжкого вреда здоровью по неосторожности предусмотрена уголовная ответственность (Уголовный

Кодекс РУз., статья 116, Ненадлежащее исполнение своих профессиональных обязанностей). В данное время нет основного критерия врачебной ошибки, случаев много, их причины и обстоятельства различны.

В медицинской литературе под врачебной ошибкой (диагностическая, лечебно-тактическая, техническая и организационная) часто понимают действия (бездействия) врача, имеющие в своей основе несовершенство современной медицинской науки, объективные условия работы, недостаточную квалификацию или неспособность использовать имеющиеся знания.

«Врачебная ошибка – это ошибка врача при исполнении своих профессиональных обязанностей, являющаяся следствием добросовестного заблуждения, которое повлекло или могло повлечь определенный ущерб здоровью больного. Главное отличие ошибки от других дефектов врачебной деятельности – исключение умышленных преступных действий – небрежности, халатности, а также невежества», – писал академик И. В. Давыдовский.

Действительно, совершенное правонарушение медицинским работником, который не предвидел возможности наступления опасных последствий своих действий (бездействия), хотя при необходимой внимательности и предусмотрительности должен был и мог предвидеть эти последствия (небрежность), невыполнение или ненадлежащее выполнение врачом своих обязанностей вследствие небрежного или недобросовестного к ним отношения, причинившее вред здоровью гражданина, охраняемого законом (халатность), недостаток

и отсутствие знаний врача, необразованность и отсталость его, сопровождающиеся выполнением своих обязанностей (невежество), являются основой многих преступлений и трагедий в медицине.

И. Ф. Огарков считает, что «...главным критерием врачебной ошибки является добросовестное заблуждение врача, в основе которого лежит несовершенство врачебных знаний, методов диагностики и лечения, а также трудные объективные условия, в которых протекала работа врача».

Врачебная ошибка – это случайное стечение обстоятельств или медицинское нарушение, неправомерный отход от выполнения медицинских протоколов, стандартов, считающиеся как брак в деятельности врача.

Если называть вещи своими именами, врачебная ошибка – это незлоумышленное заблуждение врача в ходе его профессиональной деятельности, неправильное профессиональное действие (или бездействие) его в определении болезни (диагностическая ошибка), в врачебных профессиональных действиях (операция, назначение лекарства и др.), имеющие в своей основе несовершенство современной науки, незнание или неспособность использовать имеющиеся знания на практике и не содержащие состава преступления (небрежность, халатность, невежество) или признаков проступков.

Особенность врачебной ошибки заключается в невозможности заранее предусмотреть, а в дальнейшем предотвратить ее негативные последствия данным врачом.

В связи с этим познание и признание ошибок представляют собой акт профессиональной честности, нравственное кредо в условиях всесторонне развивающейся медицины, и в то же время являются самым верным путем их устранения. Непризнание же ошибок представляет собой неэтикологический акт, несущий

вред врачу и больному.

Если факты доказывают врачебную ошибку (например, неправильно интерпретированы результаты обследования, поставлен неверный диагноз, лечение проведено неправильно), врач должен думать прежде всего, как оказать больному помощь, а не обвинять во всем своего предшественника. Однако корпоративная солидарность не означает, что на ошибки нужно закрывать глаза. Прежде всего необходимо обсудить ситуацию с коллегой очно и наедине.

Критика должна быть обоснованной, корректной и по существу дела, не переходящей на личные качества коллеги. В сложных случаях, когда нельзя сразу однозначно установить, допущена ли ошибка и как действовать дальше, можно совместно обратиться к более опытному коллеге или к консилиуму из нескольких врачей.

Ошибка, которая не исправляется, – это настоящая ошибка.

«Ошибки – неизбежные и печальные издержки лечебной работы, ошибки – это всегда плохо, и единственное оптимальное, что вытекает из трагедии врачебных ошибок, это то, что они по диалектике вещей учат и помогают тому, чтобы их не было. Они несут в существе своем науку о том, как не ошибаться. И виновен не тот врач, кто допустил ошибку, а тот, кто не свободен от трусости оттаивать её», – писал академик И. А. Кассирский.

В зависимости от квалификации врачебной ошибки врач либо не несет ответственности (ст. 20 Закона Республики Узбекистан «О защите прав потребителей» исполнитель услуг освобождается от ответственности, если докажет, что вред причинен вследствие непреодолимой силы, или по иным основаниям, предусмотренным законом), либо несет ответственность на основании нормативных правовых актов, регулирующих защиту прав граждан при получении медицинской помощи. К ним относятся Гражданский кодекс

Республики Узбекистан (ст.1005-1016); Конституция Республики Узбекистан (статья 40); Закон «О защите прав потребителей» (статьи 20, 23); Закон «Об охране здоровья граждан» (раздел II). Осуществляется защита прав граждан в виде возмещения материального и морального ущерба, нанесенного пациенту во время оказания ему некачественной медицинской помощи. Это право закреплено следующими законами: Закон «О защите прав потребителей» (статья 22); Закон «Об охране здоровья граждан» (раздел II, статья 24); Гражданский кодекс РУз. (ст.ст. 1021-1022). Также врач может нести ответственность по Уголовному кодексу Республики Узбекистан (статья 116) и др. в зависимости от частных обстоятельств.

В Узбекистане врачебные ошибки привлекают постоянное внимание специалистов органов и учреждений здравоохранения, которые не только анализируют их причины, но и принимают меры по их предупреждению.

В условиях научно-технической революции, развивающейся специализации медицинской помощи и внедрения в медицинскую практику все новых достижений науки особое значение приобретает воспитание широко мыслящего, всесторонне образованного специалиста, способного разумно, рационально использовать возрастающие возможности медицины, критически анализирующего и устраняющего собственные недостатки.

Глубокий анализ, изучение и осторожность в принятии решения являются самыми полезными профессиональными актами предотвращения врачебных ошибок и приводят к совершенствованию медицины.

**Исроил ИСМОИЛОВ,**  
врач ГДКБ №1,  
организатор  
здравоохранения.

## Возьмите на заметку

## ПРОСТУДА

**Каждый день чихающих и кашляющих становится больше – время такое... Как не заболеть и что делать, если не уберечься?**

Простуда – собирательный термин, включающий около 200 различных заболеваний. Специалисты убеждены: невозможность противостоять ОРЗ и ОРВИ объясняется нехваткой в организме некоторых веществ, содержащихся в обычных продуктах. Для поддержания активности иммунных клеток, которые должны постоянно обновляться, чаще включайте в меню цитрусы, орехи, крупы, лук, чеснок и фрукты. А если вы всё-таки не уберечьтесь, не затягивайте с лечением.

**Все средства хороши**

Насморк, он же ринит, – первый признак симптома простуды. Это защитный ответ слизистой оболочки верхних дыхательных путей на внедрение инородных агентов (микробов, вирусов) и реакция на переохлаждения (сквозняки, холодную погоду, промоклие ноги). Так с помощью активной выработки слизи нос пытается смыть чужеродные микроорганизмы. Быстро избавиться от насморка нельзя, но лечить его нужно. Во-первых, работу, учёбу и активное общение никто не отменял, во-вторых, терапия приостановит простуду и снизит риск развития осложнений.

Лекарственные препараты и народные

средства помогут облегчить состояние. Прежде всего вам необходимо тепло. Лучше проведите один день дома. Примите тёплую ванну или сделайте горячие ванночки для ног и рук (лучше с трава-



ми). Можно поставить горчичники на икры или стопы, втереть в область переносицы бальзам или мазь с эфирными маслами. Эти приёмы отвлекающей терапии уменьшат насморк. Облегчают носовое дыхание и уменьшают выделения капли от насморка. Часто в их состав входят масла, смягчающие слизистую оболочку, и компоненты, активизирующие иммунитет.

Кашель – защитный рефлекс, избавляющий организм от мокроты и других раз-

дражителей. Вам помогут простые рецепты: горячее питьё, чай с малиной, мёдом, содой, паровые ингаляции, банки, растирания. Купите в аптеке листья мать-и-мачехи, траву душицы. Заваривайте их и пейте как чай 2-3 раза в день. Сваренные в 1 стакане молока 4 плода инжира облегчат кашель. Не пугайтесь, если во время простуды и какое-то время после неё вы утратите способность воспринимать запах и вкус. Явление это, называемое anosmia, при простуде довольно частое. «Вкус жизни» обычно восстанавливается вскоре после выздоровления.

Чеснок поможет укрепить иммунитет, польза чеснока для иммунитета уже ни для кого не секрет. Но не так давно специалисты Государственного вагингтонского университета доказали этот факт экспериментально. Учёные установили, что защитные свойства чеснока обусловлены органическими соединениями серы – диаллилсульфидами, которые в оптимальной концентрации содержатся в чесноке и регулируют число болезнетворных микроорганизмов, стимулируя защитные силы организма. Можно просто раскладывать в помещении нарезанные дольки чеснока и вдыхать его фитонциды. Чтобы укрепить здоровье, нужно также правильно питаться, заниматься спортом.

**По материалам  
Интернета подготовила  
Малохат НАЗАРОВА.**

## Полезные советы

**КРОВОТЕЧЕНИЕ  
ИЗ НОСА У ДЕТЕЙ**

У многих маленьких детей часто возникают носовые кровотечения в жаркую погоду, во время болезни, после сильного плача и в других ситуациях. Это объясняется слабыми сосудами носоглотки. Для их укрепления приготовьте такую лечебную мазь. Высушенные листья крапивы измельчите в порошок и хорошо перемешайте его с вазелином или подсолнечным маслом в пропорции 1:10 (например, 2 г. порошка на 20 г. вазелина или подсолнечного масла). Смазывайте мазью слизистые оболочки носа 2 раза в день.

**ДЕПРЕССИЯ**

Нередко причиной депрессии является недостаток магния в организме. В этом случае может помочь такой рецепт. Согреть стакан молока и развести в нем 1 ч. ложку порошка какао, немного остудить и добавить 1 ч. ложку меда. Пить каждое утро натощак.

**Подготовила  
Л. ВОЛОШИНА.**

Жараён

# МЕҲНАТЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ...

**Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, замонавий типда қурилган тиббиёт муассасаларини кўриб, кишининг дили қувнайди. Нафақат ташқи кўриниши, балки ичкари қисми ҳам энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан таъминланган даволаш муассасалари Самарқанд вилояти**

Бирлашманинг жарроҳлик бўлимида баъзан оғирроқ, гоҳида эса энгилроқ операциялар бажарилади. Бўлим бошлиғи Асқаржон Сайидмуродов барча ходимлар ўртасида меҳнат интизомини мустақамлашга, беморлар билан хушмуомалада бўлишга, тозалик-озодаликни таъминлашга эътибор қаратиб келмоқда. Бўлимнинг барча хоналари саранжом-сарийшта, фойдаланиладиган жарроҳлик асбоб-ускуналари стерилланган ҳолда сақланади. Операция жараёнида қўлланиладиган медикаментоз воситалар учун махсус шкаф ажратилган. Касаллик тури, операцияни амалга ошириш вақтига қараб, шифокорлар доимо хизматга шай туришади.

Самарқанд Давлат тиббиёт институти муваффақиятли тамомлаган Асқаржон Сайидмуродов илк фаолиятини жарроҳлик мутахассислиги бўйича Қарши шаҳридаги шифохоналардан бирида бошлаб, бу ерда икки йил фаолият кўрсатди. Тажрибали жарроҳлардан операция қилиш, беморнинг ўзини тиклаб олиши учун кўмаклашиш, уни парваришларининг барча усулларини пухта ўрганган ёш мутахассис кейинчалик Ургут тумани

тиббиёт бирлашмасига таклиф қилинди. Ёш жарроҳ тез орада ўз ишининг билим-донини эканлигини кўрсата олди ва кўп ўтмай уни бўлим бошлиғи лавозимига тайинланди. Шифохона тоғ ёнбағрида жойлашган бўлиб, жонли табиат манзараларига дуч келган киши ўз дардини унутди, бу ерда сайр қилгиси келади. Ана шу шароитлардан унумли фойдаланиб келаётган Асқаржон Сайидмуродов бўлим шифокорларининг янада намунали хизмат кўрсатишини истайди, уларга тез-тез тўғри маслаҳат бериб туради.

Шифохонада кўп йиллик тажрибага эга бўлган шифокор, Асқаржон Сайидмуродовнинг устози Баҳриддин Салоҳиддинов баракали меҳнат қилиб келаётган бўлса, унинг шогирди Жасуржон Бўтаев йирик жарроҳлик амалиётларида устозига кўмак бериб, худди у сингари қўли энгил шифокор бўлишни ният қилган. Бўлим врачлари Муҳаммадамин Аъзамов, ҳамширалари Офият

**Албатта, бундай фикрлар истиқлолимиз берган имкониятлар эканлиги ҳамда жамиятимиз тараққиётининг кундан-кунга равнақ топиб бораётганлигидан далолатдир десак, хато бўлмайди.**

Йўлдошева, Ҳусниобод Маматқулова-ларнинг меҳнатидан барча мамнун.

Дарҳақиқат, ўз касбининг билим-донини бўлган Асқаржон Сайидмуродов фаолиятини тўғрисида сўз юритар эканмиз, бўлимда даволаниб чиқаётган беморлардан жамоадаги ходимларнинг муомала маданияти ҳамда ғамхўрлиги тўғрисидаги эътирофли фикрларни эшитиб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган қалби пок, эл назарига тушаётган ана шундай шифокорлар борлигидан янада фархланимиз.

Бемор қалбларга нажот бахш этаётган Асқаржон Сайидмуродов суҳбат чоғида Юртбошимиз томонидан тиббиёт ходимлари меҳнати қадрлини келатганлигини, шу билан бирга, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланаётганлигини ва шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигидан ғурурланиб гапирди.

**Узоқ ОМОНОВ, Самарқанд вилояти, Ургут тумани.**

## Дил изҳори Бахтимизга омон бўлинг

**Бошингизга кулфат тушганида, кўп нарсаларни англаб етар экансиз. Фарзандининг тақдирини содир бўлган ноҳус воқеа туфайли ҳар қандай она бир қалқиб тушиши, ўзини йўқотиши бор гап.**

Тошкентга кетган ўғлимнинг автохалокатга учраганлиги тўғрисидаги кўнгилсиз хабарни эшитиб, не бир хавотирда Фарғонадан етиб келганимни тасаввур қиларсиз. Суриштириб билдимки, у Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига жойлаштирилибди. Ўғлимнинг аҳволини билиш мақсадида травматология бўлимига шошилдим. Фарзандим энгил жароҳат олган экан, унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилганини билиб, барча хавотирларим тумандек тарқаб кетди. Бир кун ичидаёқ унинг аҳволи анча ўнгиланибди, зарурий муолажалар кўрсатилгач, ҳуши ўзига келиб, мен билан ҳол-аҳвол сўрашди.

Ўғлимга биринчи ёрдамни кўрсатган шифокор Абдоржон Холматовнинг самимий муомаласидан мамнун бўлдим. Бўлимда даволанаётган беморлар билан суҳбатлашганимда, Абдоржоннинг билими, камтар ва ғамхўр шифокор эканлигидан қалбим қувончга тўлди. Кўнглимда туғилган илиқ тилакларни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетасига ёзишга қарор қилдим. Мушкул вазиятда ҳузурга мадад сўраб келган бемор ҳаётини сақлаб қолётган Абдоржон сингари шифокорларнинг умри зиёда бўлсин, уларга ҳамisha беморларининг миннатдорлигини эшитиб юриш насиб этсин. Эл назаридан қолманг, Абдоржон.

**Ҳамида ХОЖИБОЕВА, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани.**

Ибрат

# ФАОЛИЯТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**Мамлакатимизда аҳоли, хусусан оилада репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги амалий фаолиятлар бугунга келиб ўзининг самарали натижаларини бераётганлиги қувонарли ҳолдир.**

– Мустақиллигимиз шарофати билан барча соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалдаги фаолиятлар жараёнида кўплаб ютуқлар ўз ифо-

дасини топиб келмоқда. Айниқса, вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктларида кўп сонли тиббиёт ходимлари томонидан халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган ижобий ишлар боис, аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари камайиб бормоқда. Фарғона туманидаги "Шоҳимардон" қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари

асосида жиҳозланган бўлиб, жамоадаги ходимлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан 2204 нафар аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Шунингдек, халқимиз ўртасида тиббий маданиятни ошириш борасида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишларимиз, вилоят ва туман миқёсидаги тажрибали мутахассислар иштирокида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилаётганлиги сабаб, худудимизда эрта ва кеч турмуш кузатишмаяпти. Оналар ва болалар ўлими қайд этилмади, – дейди "Шоҳимардон"

қишлоқ врачлик пункти мудири, "Эл-юрт хурмати" ордени нишондори Дилоромжон Тошболтаева. – Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қатори менинг ҳам камтарона меҳнатларимни муносиб тақдирлаган Президентимизга ўз миннатдорлигимни билдириб, ишончларини оқлаган ҳолда халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишни асосий бурчим деб биламан. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, Фарғона вилояти.**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2014 йил 12 сентябрдаги 11-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра ҳамда суд қарорига асосан амал қилиши тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати**

**Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати**

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Ш.Абзалов кўчаси, 112-уй	"MED DOKTOR HASAN" МЧЖ	1234-00 26.03.2012 й. берилган Ю-0201
2	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, 1-мавзе, 15-уй, 37-хонадон	"BEKTEMIROVA NF" хусусий корхонаси	24.08.2009 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> Ю-0166
3	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, 1-мавзе, 21-уй, 50-хонадон	"DILFUZA STOMATOLOG" МЧЖ	24.08.2009 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> ПЮ-0187
4	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани, Тансиқбоев 1-дахаси, 3-уй, 38-хонадон	"ULTRA MEDISOF" хусусий корхонаси	30.01.2012 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> 0209-02
5	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй	"SARDOR DENTA" МЧЖ	30.12.2009 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> Ю-0614
6	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 27-уй	"ABKONT-ALPHA" МЧЖ	30.05.2010 й. берилган 0208-01
7	Тошкент вилояти	Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Тошкент шохкўчаси, Марказий касалхона олдиди	"FARIZABONU SHIFO PLYUS" хусусий корхонаси	15.06.2012 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b>
8	Фарғона вилояти	Янги Марғилон шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 9-А уй	"Ҳасан Ҳусан" хусусий корхонаси	Ю-0449 27.02.2010 й. берилган
9	Фарғона вилояти	Қува тумани, Қува шаҳри, О.Комилов кўчаси, 2-уй, 14-хонадон	"Фарғона Меҳр Гие" хусусий корхонаси	Ю-1019 28.08.2011 й. берилган

10	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 35-уй, 4-хонадон	"ЛЕГАЙ ЭЛЬЗА" хусусий корхонаси	0185-01 30.05.2012 й. берилган. <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> Ю-0205
11	Фарғона вилояти	Марғилон шаҳри, Мустиқлик кўчаси, 511-уй, 19-хонадон	"Абдулфаттоҳ Медик" хусусий корхонаси	24.08.2009 й. берилган <b>Амал қилиши 24.08.2014 йилда тугаган.</b> Ю-0258
12	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Шохроҳ кўчаси, 56-уй	"TRANS MED EKS" хусусий корхонаси	14.10.2009 й. берилган

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши вақтинча муддатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Оби Раҳмат кўчаси, 1-йўлов, 2-А уй	"GULBAXOR OMAD SHIFO" хусусий корхонаси	1112-01 23.10.2012 й. берилган	Самарқанд вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 13 августдаги 14-1417/10832-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши 2 ойга вақтинча тўхтатилди.
2	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шохкўчаси, 12-Е уй, 130-хонадон	"DAMRUS MED" МЧЖ	Ю-0329 05.12.2009 й. берилган	Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 22 августдаги 10-1415/13770-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиш муддати 3 ойдан ошқ бўлмаган муддатга тўхтатилди

**Ўз хоҳишига кўра амал қилиши вақтинча муддатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Юридик шахс номи	Лицензия рақами	Асос
1	Фарғона вилояти	Бешариқ тумани, Рақон қишлоғи, Богдон кўчаси, 1-уй	"Ирода Болтабоева" кўптармоқли ишлаб чиқариш фирмаси	Ю-1219 29.02.2012 й. берилган	2014 йил 9 сентябрдаги 19-сонли хатига асосан (15.09.2014 йилдан 15.02.2015 йилга қадар) 5 ойга





## Ён дафтарингизга ҲАЁТИЙ БИТИКЛАР

### Ўқитувчи ва мураббийлар ҳақида

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

Ўз шогирдларига меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ.

Ўқитувчи энг масъул вазифани адо этади – у инсонни шакллантиради.

Яхши ўқитувчилар яхши инсонларни етиштиради.

Тарбияда бутун иш тарбиячининг ким эканлигига боғлиқ.

Тарбияловчининг ўзи зеҳнли, ниҳоятда босиқ, хушфёл, юксак ахлоқий хислатларга эга бўлмоғи керак.

Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг – ўшанга, кимни ўқитсанг – ўшаларга меҳр қўймоғинг зарур.

Одамларни ҳамма нарсага ўргатишади-ю, аммо андишага ўргатишмайди, ҳолбуки улар би-

лимдонлик билан эмас, ўзлари ҳеч ўрганмаган ўша андишалилик билан ажралиб туришга кўпроқ интиладилар.

Ҳақиқий таълим одамни одамийликка тайёрлашдир.

Яхшилик қилиш ҳар қандай юксаклик сари ташланган қадамдир: эзгулик қилмасанг, бир кунмас-бир кун тубанлик сени ўз қаърига тортади, яхшилик ўрнига ёмонлик қиласан.

Қайсидир одамнинг муайян бахтсизлигига шерик бўла олган кишигина кўпчилик гамини ҳам ҳис қила олади.

Яхшилик қилишни биладиган одам эмас, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган киши саховат эгасидир.

Ҳақиқий инсонпарварлик энг аввало адолатдир.

Эзгулик – илм эмас, у фаолиятдир.

**«Тафаккур гулшани»  
китобидан олинди.**

### Долзарб мавзу



## КОМПЬЮТЕР ВА САЛОМАТЛИК

**Сизни ушбу мавзу қизиқтирадими? Вақтингизни компьютер олдида кўп ўтказаятган бўлсангиз, албатта унинг соғлиққа таъсири борлигини билиб қўйганингиз фойдадан ҳоли бўлмас.**

Демак, мазкур мавзу тўғрисида фикр юритар эканмиз, компьютердан узоқ муддат фойдаланганда инсон саломатлигига таъсири, унинг зарарини камайтириш йўллари ҳусусида нималарга эътибор қилишимиз лозимлиги тўғрисида маълумот бермоқчимиз.

**Компьютердан фойдаланувчи инсонлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омиллар қуйидагилар:**

- узоқ муддат ўтириб ишлаш жараёнлари монитордаги электрмагнит нурланишлар таъсири кўрув органларига тушадиган юклар, яъни кўз толиқиши, қўл-кафт бўғимларига тушадиган юклар, ахборотларнинг йўқолиб қолиш пайтидаги стресс ҳолатлари.

**Юқоридаги зарарли омиллар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз:**

**Узоқ муддат ўтириб ишлаш (камҳаракатлик – гиподинамия)**

Эътибор берсангиз, компьютер олдида ўтирган инсонда бўйин, бош, қўл ва елка мушаклари таранг ҳолда бўлиши оқибатида умуртқа поғонасига ҳам ортиқча юклар тушади. Баъзида умуртқа поғона чарчаш туйғайли болалар столга ётган ҳолда ундан фойдаландилар. Бунинг оқибатида катталарда остеохондроз, болаларда эса сколиоз касаллиги пайдо бўлади.

Бундан ташқари, кўп ўтириш давомида стул билан тана ўртасида ўзига хос "иссиқ компресс" юзага келиб, у ўз навбатида простата бези яллиғланиши, простатит, геморрой касалликларини юзага келтиради. Камҳаракатлик ўз навбатида моддалар алмашинуви бузилиши ҳамда "семириш" касаллигига ҳам замин яратади.

**Электрмагнит нурланишлар**

Компьютер ва бошқа электр асбоблари ўзидан электрмагнит нурларини тарқатувчи манба ҳисобланади. Улардан чиқаётган электрстатик нурлар ҳамда майда чанг зарралари терининг очик жойларига тушиши оқибатида турли хилдаги аллергия касалликларни чақиради. Сочлар тўкилиши ва терининг қуриши ҳам кузатилиши мумкин.

**Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:**

- компьютер бор хоналарда вентиляция тизими яхши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқдир;  
- хонани тез-тез шамоллатиб туринг. 1 та монитор учун майдон сатҳи 9-10 м<sup>2</sup> бўлиши лозим;  
- хонанинг намлик ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ҳавони намловчи мосламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;  
- хонани нам латта билан тез-тез тозалаш зарур.

**Кўриш органларига таъсири**  
\* компьютер билан ишлаш да-

вомида кўзимиз доимий равишда экранда бўлади. Монитор ёруғлик манбаи бўлиб қолмай, балки мунтазам равишдаги жимирлаш ҳолатлари кўзни таъсирлантиради.

Кўздаги қаттиқ оғриқ, ёшланиш, кўз қорачиқлари ва кўз олмалари, қовоқлар қизариши, пешона соҳасидаги оғриқлар, тез чарчаш ҳолатлари "дисплей" касаллиги деб номланади. Ва бундай ҳолат экрандан доимий равишда фойдаланиш оқибатида келиб чиқади.

**Кўз чарчаб қолмаслиги учун қуйидагиларга риоя қилинг:**

\* монитор билан кўз оралиғидаги масофа 45 см.дан кам бўлмаслиги;

\* ёруғлик монитор экранига тушиб, ярқираб, қўришга ҳалақит бермаслиги;

\* экран сатҳини тез-тез артиб туриш;

\* кўзга дам бериш учун 10-15 дақиқа танаффус қилиб туринг.

**Кўз машқлари жуда муҳим:**

- 10 сония кўзларингизни юмиб туринг;

- 5-10 сония кўзни очиб-ёпиш;

- кўз соққаларини айлантириш;

- ойнадан узоқ ва яқинга қараш;

- турли таъсирлардан сақлаш учун чой пакетчаларини кўзга 10 дақиқа қўйиб ётинг.

**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти.**

## ЖОНКУЯР УСТОЗЛАР, СИЗГА ЭҲТИРОМ

**Эрта-кеч миллатнинг тақдирин ўйлаб,  
Таълим-тарбиядан хўп сўзлар сўзлаб,  
Илму маърифатга фақат бел бойлаб,  
Тинмаган устозлар, сизга эҳтиром.**

**Таълим-тарбиядан бошланур ҳаёт,  
Сўзларингиз бари гўё бир баёт.  
Чанқоқ қалбларга бериб сиз ҳаёт,  
Жонкуяр устозлар, сизга эҳтиром.**

**Ўтдилар неча зот тарбия дея,  
Таълимчун беришиб ким қанча гоё,  
Муаллим офтобдир, эмас у соё,  
Фидокор устозлар, сизга эҳтиром.**

**Авлоний, Бехбудий, Фитратлар сўзин,  
Етказиб ҳаммага оқлаб нон-тузин,  
Фанга фидо айлаб ҳаттоки ўзин,  
Жон фидо устозлар, сизга эҳтиром.**

**Мен маддох эмасман, ёзмасман атай,  
Бу сўзлар чин дилдан, мен ахир нетай,  
Доим бош бўлинг сиз, пойингиз ўпай,  
Эй, азиз устозлар, сизга эҳтиром.**



### ЭЪЛОН

**Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш ва педиатрия факультетини 1964 йилда битирган талабалар диққатига:**

2014 йил 22 ноябрь соат 13:00 да Тошкент шаҳри, Лабзак даҳасидаги «Афсона» ресторанида бўлиб ўтадиган 50 йиллик юбилейга лутфан таклиф этамиз.

**Мурожаат учун телефонлар:**

**Абдумалик Ҳакимов (+99893) 541-28-48,  
Дилнора Исмоилова (+99890) 909-03-42,  
Саидакром Ҳасанов (+99890) 187-57-50,  
Мавжуда Фозилова (+99890) 325-17-80.**

**Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 5405 нусха.  
Буюртма Г-958.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.  
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



